


ISSN 0869-0723

ملاقات

1977 MULOQOT

MULOQOT



Одами эрсанг дсмагил одами,
Ониким, йуқ халқ гамидин гамн.

Алишер НАВОИЙ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК
ПАРТИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ, ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ
ВА ТАРИХИЙ-БАДИИЙ ЖУРНАЛИ

Журнал 1991 йилда ташкил этилган

МУНДАРИЖА

- Одилжон ОЛИМЖОНОВ. Умуммиллийликдан умумбашарийлик сари. 2
- Абдулхай ВАЛИЕВ, Маъмур ҚАҲҲОРОВ. Истиқлол ва истиқбол 7
- Одамбой ИБРОҲИМОВ. Мустақиллик ва кадрлар сиёсати . 10
- Убайдулла МИНГБОЕВ. Инсон тақдирига дахлдормиз 13
- Аҳмаджон ЭШОНҚУЛОВ. Маънавият тарбияси 19
- Бахтиёр САИДОВ. Ёшлар — миллат келажаги 23
- Сотимбой ХОЛБОЕВ. Мунаввар қори 24
- Алишер РАСУЛОВ. Халқаро бозор сари 26
- НИГИНА. Инсон манфаатларини қўзлаб 28
- Тура НОРБОЕВ. Марказий Осиё: иқтисодий ҳамкорлик30
- Урол УТАЕВ. Халқ амалий ишларни ёқтиради 32
- Шариф БАРОТОВ. Рухият баркамоллиги 36
- Мусоқул УСМОНОВ. Яхшиликнинг қаноти бор 37
- Шухратиддин СИРОЖИДДИНОВ. Алишер Навоий Астрободга нега жўнатилган? 39
- Маматбек БАННОЕВ. «Хазоин ул-маоний»да қитъалар 41
- Нишонбой ҲУСАНОВ. Темурийлар исмининг маъноси 43
- Ботир ВАЛИХУЖАЕВ. Дарёдил аллома 45
- Ўткир ҚОРИЕВ. Абулқосим Замахшарий луғатлари . . . 48
- Охунжон САФАРОВ. «Чор китоб» — иймон тарбияси . 50
- Зокиржон ҚУТИБОЕВ. Маънавий қатралар 54
- Иноятилло СУВОНҚУЛОВ. Аламкаш — Сўфи Оллоёр издоши 55
- Жонибек СУБҲОН. Ҳар отар тонгим — ғазал 57
- Гулом ИСМОИЛОВ. Ажаб савдо. Шеър 59
- Абдулла УЛУҒОВ. Мурувватли бўлайлик 60
- «Мулоқот» дафинаси 62

Бош муҳаррир
Барот БОЙҚОБИЛОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Бурибой АҲМЕДОВ, Ботир ВАЛИХУЖАЕВ, Ҳамид ЗИЁЕВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Маҳкам МАҲМУДОВ, Рашид РАУПОВ, Ҳожаикбар РАҲМОНҚУЛОВ, Азиз ТУРАЕВ, Музаффар ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ориф УСМОН, Урол УТАЕВ, Омон ҲИКМАТОВ, Анвар ҲОЖИ.

Тошкент, «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси

© МУЛОҚОТ, 1997 йил.

МУЛОҚОТ

№ 1 (61)
Январь—Февраль (Давл.—Хут)
1997 йил



Шуҳратиддин СИРОЖИДДИНОВ

АЛИШЕР НАВОИЙ

Маважуд барча тадқиқотларда Алишер Навоийнинг Астрободга сургун этилгани ҳақида гапирилсада, аммо унинг нега Астрободга юборилгани ҳақида бирор-бир аниқ мулоҳаза учрамайди. Султон Ҳусайн Навоийни нега бошқа вилоятга эмас, айнан Астрободга жунатган? Бу тасодифми, зарурат? Сўз шу ҳақда.

кифояти сарвига хушбўй хотирининг майли камолот даражасида булганлиги учун бу амрни қабул қилиш хусусида бирор нима демади. Куп муболагадан сўнг, ризо бошини тебратиб, таважжуҳ юзини ул тарафга угириб, олампаҳо даргоҳ мулозимларидан амир Бобо Али ва амир Бадриддинни ҳамроҳ қилиб Астрободга жўнади». (Навоий замондошлари хотирасида. 37-бет). Қуйидаги во-

сиёсий воқеалар кечмишидан излаш керак бўлади. Шу жиҳатдан биз эътиборимизни 892 ҳижрий (1487), яъни Навоийнинг Астрободга кетган даврдан бошлаб Хуросоннинг гарбий чегараларидаги воқеаларга қаратсак.

XV асрнинг иккинчи ярмида Оқ қуюнлилар сулоласининг салтанатига қарашли Ардабил мулкларининг таъсир доираси чор атрофни ўз қомига ола бошлайди. Бу

АСТРОБОДГА

Тарихчи Хондамир «Равзат ус-сафо» асарида султоннинг Алишерни Астрободга ҳоким қилиб юбориши воқеасини баён этса-да, унинг жунатилиш сабабларини кўрсатмайди. Бироқ, воқеани реал ва ҳаққоний тасвиридан ўқувчи Алишер Навоийнинг Астрободга кетаётганлигидан норози булганлигини англаб олади: «Ҳижрий 892 йилнинг қишида ҳоқон Марвда қишлаб турганида Астробод ҳокими Амир Муғулни ўз даргоҳига чақириб олади ва унинг кўнгли «Амир Алишер дор ул-фатҳ Астробод ҳукумати билан сарфароз этилишини тақозо қилди. Ул ҳазратнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) фикри софқўнғил амирга яширин эди. Собиттадбир амир тангри таолонинг ризолиги йўли сулукининг ҳозирлиги, ҳоқони мансур муҳим ишларининг

қеа шунинг мантиқий давоми булиб, Навоийнинг Астрободда булиб туриши Ҳусайн Бойқарога зарур бўлганини кўрсатади: «...Амир Алишер бир йил муддат Журжон вилоятида мулку мол забти билан машғул булгандан сўнг ҳоқони мансур билан мулозамат шавқи кўнглидан кечди ва ижозат олингач, амир Бадриддинни ўз ўрнида қолдириб, дор ус-салтана Ҳиротга қараб йўналди... ва уша вилоят ҳокимлигини бирортасига берилишини илтимос қилди. Лекин ҳоқони мансур унинг бу илтимосини ризо қулоғи билан тингламади ва бир неча кун ўтиб яна Астрободга қайтишига рухсат берди». (Уша китоб, 41-бет). Хуш, нима сабабдан Ҳусайн Бойқаро Навоийни Астрободга жунатишга қарор қилди? Аввало, бунинг жавобини Хуросоннинг гарбий сарҳадларида юз бераётган

мулк бошида азалдан шайх Сафиуддин (1254—1334) — шиа мазҳабининг кўзга кўринган арбоби асос солган сафавийлар сулоласининг вакиллари туриб, кучли ҳокимият ва улкан вақф ерларига эга эдилар. Улар аста-секин сиёсий саҳнага чиқиб, Озарбойжон ерларига кўз олайтира бошлайдилар. Сафавийларнинг ҳукмдори Шайх Жунайд (1447—1456) Оқ қуюнлилар сулоласи вакили, султон Узун Ҳасан билан қўда-андачилик орқали яқин муносабатлар ўрнатиб олади. Бу тadbир уша даврда анча кучли ҳисобланган Қора қуюнлилар салтанатини мағлубиятга учратиш мақсадида қилинган иттифоқ эди. Сафавийларга озарбойжонларнинг кўчманчи уруғлари бўлиш устажлу, румлу, афшорларнинг қуроли гуруҳлари қўшила бошлайди. Жунайд

НЕГА ЖУНАТИЛГАН?

Шервон ва Догистонни босиб олишга ҳаракат қилиб кўради. Аммо Шервоншоҳлар қаттиқ қаршилик кўрсатадилар. 1456 йили Самур дарёси бўйида Жунайд ва Шервоншоҳ Халиллоҳ ўртасида катта жанг бўлиб ўтади. Жунайд мағлубиятга учратилиб, ўлдирилади. Жунайд улимидан сўнг ҳоким бўлган шайх Ҳайдар (1456—1488) отасидан ҳам бағтарроқ ўзга мол-мулкка ўч бўлиб, қушни ҳокимликларга ҳужум қилишни режалаштира бошлайди. Гарчи Шайх Ҳайдарнинг Шервон шоҳлиги ва бошқа мулкларга бўлган иштаҳаси олдиндан овоза бўлса ҳам, на Оқ қуюнлиларнинг бу даврдаги ҳукмдори Яъқуб Мирзо ва на Шервоншоҳ Фарруҳ Ясор бунга эътибор берар эдилар. Чунки, Яъқуб Мирзо синглиси Аламшоҳ Бегим Шайх Ҳайдарнинг хотини, аммаси Ҳадича Хотун эса шайхнинг онаси бўлганликлари сабабли ундан беҳавотир эди. Шервоншоҳ эса Яъқуб Мирзонинг қайнотаси бўлгани учун ҳам унга суянар ва Шайх Ҳайдарнинг тизгини Яъқуб Мирзонинг қўлида деб уйлар эди. 893 ҳижрий йилида (1487—1488) шайх Ҳайдар онаси Ҳадича Хотун воситасида султон Яъқубдан гайридин черкезларни вақти-вақти билан «адабини бериб туриш» ниқоби остида лашкар йиғиш ва Оқ қуюнлилар давлати ҳудудида озод ҳаракат қилишга рухсат олади. Бу эса шайхнинг қўлида кучли армия тўпланишига ва қушни давлатлар учун хавфли рақибга айланишига олиб келди (Озарбойжон тарихи. Боку, 1969. 1-том, 209-бет). Бизнингча, султон Ҳусайн Бойқаро даврининг ўта билимдон саркардаларидан ва давлатлараро муносабатларнинг шаклланиш жараёнларида паст-баландликларни чуқур ўрганган давлат арбоби сифатида шайх Ҳайдарнинг келажак мақсад ва шум ниятларини яхши тасаввур қилган ҳамда унинг режаларидан воқиф бўлган, шунингдек, Хуросоннинг гарбий чегараларида

шиа халқларининг, агар бирор қор-қол юз берадиган бўлса, Ҳайдар томонига ўтиб кетиш хавфини сезган. Шу жиҳатдан Ҳусайн Султон Яъқуб ва Шервоншоҳ Фарруҳ Ясор билан муносабатларни янада яқинлаштириб, Ҳайдар билан келгусида келиб чиқиши муқаррар бўлган тўқнашувнинг олдини олиши керак эди. Бунинг учун чегара олди вилоятини шундай кишига топширмоқ лозим эдики, у ердаги халқлар буйсунадиган ва иззат қиладиган ҳоким бўлиши, асосийси, Султон Яъқуб ва чегарадош вилоятларнинг ҳокимлари билан муносабатларда жуда ҳам уста дипломат бўлиши ва уларнинг ҳурматига сазовор бўла оладиган инсон бўлиши зарур эди. Табиийки, бу тадбир шиа ва суннийлар орасида ҳам, қушни ҳукмдорлар ўртасида ҳам кучли мавқе ва эътиборга эга бўлган Навоий орқалигина амалга ошиши мумкин эди. Навоий эса, «Хамса»дан сўнг катта ижодий ишларни режалаштириб турганда бир вилоят жавобгарлигини уз зиммасига олиш, нотинч замонда вилоят ташқи ва ички ишларини идора этиш, Ҳиротдаги адабий муҳитдан узоқлашиб оғир эканини билиб, Астрободга норози кайфиятда жўнаб кетади. Астрободда бир йил тургач, қайтишга изи сўрайди. Маълумки, Султон Ҳусайн Бойқаро унинг илтимосини ризо қўлоғи билан тингламайди. Сабаби, бу пайтга келиб, Ҳусайн Бойқаро олдиндан кўра билган воқеалар рўй бера бошлайди. 1488 йилнинг бошларида Шайх Ҳайдар ялпи ҳужумга ўтиш вақти етган ҳисоблаб, Шервон шоҳлигини босиб олиш пайига тушади. Бутун армиясини Ганжа ва Барда оралигида тўплайди. Сўнг Фарруҳ Ясорга одам юбориб, ҳар галгидек, черкезларни талаб келиши учун бораётганлигини ва Дарбанд йўлини ислом лашкарига очиб қўйишни сўрайди. Фарруҳ Ясор элчини кутиб олиб, иззат-икром билан кузатгач,

Дарбанд йўлини Ҳайдарга очишга фармон беради. Шунда Ҳайдар ўз аскарларининг саллаларини ўн икки имом шаънига ўн икки йўлли қизил рангга бўятади ва Дарбанд йўлидан осонликча ўтиб олгач, Шервонга қарши уруш эълон қилади. Гафлатда қолган Фарруҳ Ясор беҳуда қон тўкилишидан қочиб, оиласи билан Гулистон қалъасига бекиниб олади. Шайх бошлиқ минглаб «қизилбошлар» етти ойгача қалъани қамал қилиб ётадилар. Ниҳоят Ҳайдарнинг инсофга келишидан умид узиб, тоқати тоқ бўлган Султон Яъқуб қаҳр билан Шервонга отланади ва 893 йилнинг жумад ус-соний ойининг охирида (1488, июнь) Ардабилга етиб келади. Бу хабарни эшитган Шайх қалъани қўйиб, Дарбандга чекинади. Султон унинг изидан қувиб келади ва ражаб ойининг охирида улар ўртасида қаттиқ жанг бўлиб ўтади. Пировардида Ҳайдар жанг майдонида ҳалок бўлади ва қизилбошлар қушини тарқатиб юборилади. (Ўша асар, 209-бет). Мана шу сабабларга кўра ҳам Навоийнинг Астрободда бўлиб туриши жуда ҳам зарур эди. Негаки, чегара олди шиа халқларини тинчлантириб туриш, уларнинг кўнглиларида сафавий шайхларига бўлган кўр-кўрона садоқат натижасида пайдо бўлаётган жиҳод учқунларини ўчириш, шу билан бирга қалтис вазиятда оғирлик, босиқлик ва чуқур мулоҳаза билан тутри иш юрита олиш Ҳусайн Бойқаро назарида фақатгина Амир Алишернинг қўлидан келиши мумкин эди... Юқоридаги воқеалар тинчиганидан кейин Ҳусайн Бойқаро Амир Алишерга Астрободдан Ҳиротга қайтишга рухсат беради. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий Астрободда ўзоғи билан бир ярим йил яшган. Мана шунинг ўзи ҳам қайсидир маънода бизнинг мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

